

«Hilol Nashr» нашриётига Ироқ парламент аъзоси, доктор Мусанна Амин ташриф буюрди



10:58 / 08.04.2025 1169

Жорий йилнинг 5-9 апрель кунлари Тошкент Марказий Осиё тарихида биринчи марта Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясига мезбонлик қилмоқда.

Ўз сафида 181 та миллий парламент ва 15 та минтақавий уюшмани бирлаштирган Иттифоқнинг Ассамблеяси илк марта Марказий Осиё минтақасида бўлиб ўтмоқда.

Ассамблеянинг Тошкентда ўтказилиши нафақат мамлакат учун ижтимоий-сиёсий ва тарихий воқеа, балки Марказий Осиёда парламент дипломатиясини ривожлантиришда катта туртки бўлади.

Нуфузли тадбирда 190 та мамлакат, 15 та кузатувчи давлат ҳамда 25 дан ортиқ халқаро ва парламентлараро ташкилотлар раҳбарлари иштирок этмоқда.

Жумладан, ироқлик курд сиёсатчиси, парламент аъзоси, Халқаро мусулмон уламулари кенгаши аъзоси, доктор Мусанна Амин ҳам ассамблеяда қатнашмоқда. Доктор Мусанна Амин Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей ассамблеясидаги иштироки давомида «Hilol Nashr» нашриёт-матбаасининг бош дўконига ҳамда «Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад

Юсуф» номидаги мажмуага ҳам ташриф буюрди. У киши зиёратлари асносида фазилатли шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратларининг ҳаёт йўллари, илмий мерослари билан танишиб чиқди. Меҳмон шайх ҳазратларининг Ватан, дин, халқ учун қилган улкан хизматларини юқори тақдирлаб, юртимизга тинч-осойишта, фаровон ҳаёт ва юртбошимиз олиб бораётган хайрли ишларга ривож тилади. Шунингдек, юртимиздаги барча ислохотлар қатори, диний-маърифий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ҳам алоҳида эътирофга сазовор эканини мамнуният билан таъкидлади.





Доктор Мусанна Амин ҳазратлари бунга сабабчи бўлиб турган юртбошимиз ҳаққиға, бу каби хайрли ислоҳотларнинг бардавом бўлишиға чин дилдан тилак билдириб дуолар қилди.